Н. Жабборов

“Қиссаи Имоми Аъзам” қўлёзмаларининг таҳлили

Ҳазрат Хожа Аҳмад Яссавий катта тарбиявий аҳамиятга молик мероси билан нафақат Марказий Осиё халқлари ижтимоий-маънавий ҳаётида чуқур из қолдирган, балки умумжаҳон цивилизацияси тараққиётига ҳам муайян ҳисса қўшган атоқли шоир, буюк мутафаккир, улуғ мутасаввифлардан биридир. Шу боис, у бундан салкам олти аср муқаддам Алишер Навоий (1441–1501) “Насойим ал-муҳаббат” асарида уни “Туркистон мулкининг шайх ал-машойихидур” [1: 340аб][1], “Туркистон аҳлининг қиблаи дуосидур” [1: 340б], Абдурраҳмон Жомий (1414–1492) эса “Нафаҳот ал-унс” ва Муҳаммад Тоҳир ибн Муҳаммад Таййиб Урганжийнинг “Тазкират ал-авлиё” асарларида “Сар ҳалқаи машойихи атрок” (“турк шайхларининг ҳалқабошиси”) деб эъзозлаган [3: 254б, 11: 41б]. Хожа Аҳмад Яссавийнинг илмий-маънавий меросига халқаро ҳамжамият, айниқса, туркийзабон халқлар асрлар давомида катта қизиқиш билдириб, унинг асарларини Абулқосим Фирдавсий (934–1024), Саъдий Шерозий (1203–1292), Жалолиддин Румий (1207–1273), Мирзо Бедил (1644–1721) китоблари билан бир қаторда севиб ўқишган. ЮНЕСКО томонидан 2016 йилнинг буюк файласуфи Арасту (384–322 э.а.), таниқли озарбайжон шоири Имомиддин Насимий (1370–1417), машҳур грузин шоири Шота Руставели (1160-66–1216), туркиялик яссавийшунос олим Фуод Купрулизода (1890–1966) билан бир қаторда, Хожа Аҳмад Яссавий (ваф. 514 й.) йили деб эълон қилингани [32: 1] ҳам ана шу бебаҳо мероснинг умумэътироф этилганидан далолат бериб турибди.

Хўш, Хожа Аҳмад Яссавийдан қандай асарлар мерос бўлиб қолган деган табиий савол туғилади? Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, манбашуносликда беқиёс катта илмий аҳамиятга эга бўлган “Қомус ал-аълом”, “Китоб ал-ансоб”, “Мўъжам ал-удабо” каби йирик библиографик асарларда Хожа Аҳмад Яссавийнинг таржимаи ҳоли ва ижодини ёритувчи маълумотлар учрамайди. Қўлёзма ва босма китоблар шаклида бизгача етиб келган тарихий манбалардаги маълумотларни жамлаб, таҳлил қилган ҳолда айтиш мумкинки, қуйидаги асарлар Хожа Аҳмад Яссавийга мансуб деб топилган ёки ул зотга нисбат берилган:

1. “Девони ҳикмат” [4; 5; 6; 16; 18; 29; 31]. Бунинг “Куллиёти Хожа Аҳмад Яссавий” кўринишдаги номи ҳам бор. Бунга султон ал-орифиннинг ҳикматлари ва маноқиби, “Фақрнома”, “Муножотнома”, “Меърожнома” каби

[1] Мазкур асарнинг бошқа қўлёзма нусхасида «Туркистон машойихининг шайх ал-машойихидур», деб ёзилган [2: 268б].

асарлари киритилган. Республикамиздаги кутубхоналар, китоб фондлари ва музейларда, шу жумладан, ЎзРФА Шарқшунослик институти манбалар хазинасида ҳам ушбу асарнинг мингга яқин қўлёзма ва босма нусхалари мавжуд бўлиб, улардан муҳимларининг каталоги тузилган [28, 30].

2. “Рисола дар одоби тариқат” (“Тариқат одоби тўғрисидаги рисола”) [9: 54–59].

3. “Ҳикояти Меърож” (“Меърож ҳикояси»), “Меърожнома” [5: 208–211].

4. “Муножотнома” [5: 197–201] (ушбу асарнинг нашрларидан фарқ қилувчи ўзгача матни А.Эркиновнинг мақоласида келтирилиб, батафсил таҳлил қилинган) [26: 48–58.].

5. “Фақрнома” [5: 8–18] (ушбу рисола Хожа Аҳмад Яссавийнинг издошлари томонидан тўлдирилган).

6. “Қиёматнома” [31: 280–289] .

7. “Нажот аз-зокирин”. “Сабот ал-ожизин”ни шарҳлаган Тожиддин Ёлчиғўл эса: “Рисолаи Азиза” китобида “Шариат қуёши Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратларининг “Нажот аз-зокирин” аталмиш китоби қўлимизга тушди:

Ўшал султон битибдур балки онда,
Китоб «Танбеҳ аз-золлин» ичинда.

Ул султон, яъни Хожа Аҳмад Яссавий «Нажот аз-зокирин»дан нақл қилиб, “Танбеҳ аз-золлин” китобининг ичида ёзди, яъни Сўфи Оллоёрнинг қўлига Аҳмад Яссавий ёзган мана шу икки асар бир жилд китоб ҳолида тушган» [12: 157–158].

8. “Танбеҳ аз-золлин” (“Адашганларга танбеҳлар”). “Шайх Худойдод “Баҳр ал-улум” асарида Аҳмад Яссавийнинг “Танбеҳ аз-золлин” номли асари борлигини бир неча бор қайд этиб, матнларидан кўчирмалар келтирган” [13: 157].

9. “Қиссаи Имоми Аъзам” (“Имом Аъзам қиссаси”) [7: 200–203; 8: 184–187].

10. Қуръони карим тафсири [13: 157].

11. Рисолаи “Миришкорнома” [25: 1].

12. “Қудратнома” [31: 31].

Қуйида мазкур асарлардан бири – “Қиссаи Имоми Аъзам”нинг китобхонлар эътиборига ҳавола этилиши тарихи хусусида қисқача тўхталамиз. Ушбу асарни илк бор топиб, “Девони ҳикмат” таркибига киритган олим “Луғати Чиғатой” ва “Туркий Усмонли” китобларининг муаллифи шайх Сулаймон Афанди Бухорий Қоракўлийдир [17: 279]. Гарчи, XIX–XX асрлар мобайнида “Девони ҳикмат” Истанбулда, Қозонда, Тошкентда ва Когонда бир неча бор чоп этилган бўлса-да, Хожа Аҳмад Яссавийнинг “Қиссаи Имоми Аъзам” (“Имоми Аъзам қиссаси”) номли асари фақат ана шу Истанбул нашрида бор, холос. Марҳум Абдулла Носиров қайдларига кўра, “Девони ҳикмат”нинг ана шу Истанбул нашрини тошкентлик Ҳожи Яъқуб амалга

оширган: “...Шайх Сулаймон Афанди Бухорий тарафиндан бир китоб нашрга тайёрланган бўлиб, Шайх Сулаймон Афандини вафотидан кейин Тошканддан борган Ҳожи Яъқуб нашр қилган, мен шундай тушундим. Яъқубжон Ҳожи деган киши Чорсу маҳалласига яқин Темирчилик деган маҳалладан бўлиб, ҳажга ҳажжи бадал тариқасида бойларга ҳаж қилиб келиш учун 17 мартаба Макка, Мадина, Истанбулга сафар қилиб, бориб-келган киши бўлиб, инқилобдан кейин вафот қилган. Яъқубжон Ҳожи акам Шайх Сулаймон Афанди билан Истанбулга борганларида муносабатда бўлганларини сўзлаб берар эдилар. Носиров 2/III-1961” [17: 280]. Бу асар “Девони ҳикмат”нинг бошқа литографик нусхаларида учрамайди.

Ушбу қиссанинг мазмун-моҳиятини ифода этувчи сатрлар “Боқирғон китоби”да алоҳида парчалар шаклида нашр этилган [14: 41–46]. Бу хусусда қуйидагиларни қайд этиш мақсадга мувофиқдир: 1) “Боқирғон китоби”ни нашрга тайёрловчилар Қозон нашрига асосланиб, қиссадаги сатрларни Сулаймон Боқирғонийга тегишли деб ҳисоблаганлар. Ваҳоланки, мазкур сатрлар Сулаймон Боқирғонийга эмас, балки Хожа Аҳмад Яссавийга тегишлидир; 2) улар бири-иккинчисидан ажралиб турувчи алоҳида-алоҳида тўртликлардан эмас, балки аслида ўзаро мантиқан боғлиқ ягона сюжетни ташкил қилувчи байтлар тизимидан ташкил топган асардир; 3) қиссанинг “Боқирғон китоби”даги парчалари уни республикамизда китобхонларга тақдим этиш йўлида қўйилган илк қадамлардан эканлигини таъкидлаш жоиздир.

Биз, бу қиссага илк бор ўтган асрнинг 90-йилларида қўл урган эдик. Аввало, ушбу қисса “Девони ҳикмат”нинг Истанбул нашридаги Холиснинг “Қиссаи Жобир” асари таркибига қоришиб кетганлиги боис, унга алоҳида сарлавҳа қўйилмаганини аниқладик. Қиссанинг мазмунидан келиб чиқиб, уни шартли равишда “Қиссаи Нуъмон ибн Собит”, деб номлаб [17: 62–68, 228, 56–63], Истанбул нашри асосида 2 та мақола нашр этдик [8: 184–187; 7: 200–203].

Шундай қилиб, “Девони ҳикмат”нинг фақат Истанбул нашри асарнинг бизгача етиб келган ягона манбаси ҳисобланар экан. Яқинда ЎзРФА Шарқшунослик институти манбалар хазинасидан “Қиссаи Имоми Аъзам”нинг мазмун-моҳият жиҳатидан бири иккинчисидан деярли фарқ қилмайдиган турли таҳрирдаги 3 та қўлёзма нусхасини (инв. №№ 1910, 2596, 7154) топишга муваффақ бўлдик. Бу қўлёзма нусхаларнинг барчаси XVIII асрнинг охири – XIX асрнинг бошларида настаълиқ хатида кўчирилган. Асар матнидаги:

Наср эрди бу қисса васфин этибон қисса,
Назм қисса насрдин ошиқона эрдиё. [20: 139*б*].

сатрлардан аён бўлишича, ушбу қисса аввалбошда насрда таълиф этилиб, сўнгра назмга ўгирилган. Қиссадаги мазкур сатрлар “Девони ҳикмат”нинг Истанбул нашрида мавжуд эмас. Буни “Девони ҳикмат” нашр этилаётган вақтга келиб, қиссанинг оғиздан-оғизга ўтиб, машҳур бўлиб кетганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Шу пайтгача нашр қилинган тадқиқот ва каталогларда Яссавийнинг “Қиссаи Имоми Аъзам” асари ҳақида маълумот берилмаган. “Қожа Ахмет Иасауи хикметтерінін қолжазба каталогы”да инв. № 2596 қўлёзма ҳақида қайд этилган биргина маълумот ҳам қуйидаги изоҳларга муҳтож:

1. “Қожа Ахмет Иасауи хикметтерінін қолжазба каталогы”да асар номи “Имом Аъзам қиссаси” деб кўрсатилган [30: 195], ваҳоланки, қўлёзмада “Қиссаи Имоми Аъзам” раҳматуллоҳи алайҳи деб аниқ ёзиб қўйилган [30: 195; 20: 153б].

2. Каталогда қўлёзмадаги асарнинг ҳажми бор-йўғи бир варақдан иборат деб қайд этилган [20: 195], аслида асар ҳажми 4 варақ – саккиз саҳифадан иборат [20: 153б–156б].

3. Каталогда “Қиссаи Имоми Аъзам”нинг муаллифи кўрсатилмаган [30: 195]. Буни асарнинг айни шу қисмида қисса матнининг якунланмай қолгани билан изоҳлаш мумкин.

4. Биз қўлёзмадаги 156б варақ остида келган “уч” пойгири 157а-варақдаги илк сўзга муносиб келмаслигини, демак асар матнининг “Олимларни йиғдурди, ривоят бор-му деди,” сатрида узилиб қолгани ва иккала варақнинг оралиғи қайта таъмирланганини аниқладик. Сўнгра қўлёзмани аввалбошдан синчиклаб ўрганиб чиққанимизда, саҳҳофнинг хатоси оқибатида, матннинг давоми ушбу қўлёзманинг 138а–140б қисмига янглиш тарзда саҳифаланганига гувоҳ бўлдик [20: 156б–157а, 138а–140б].

5. Қиссанинг охирги сатрида унинг муаллифи Аҳмад Хожа эканлиги аниқ-тиниқ қайд этилган [20: 140б].

Шарқ адабиётининг нодир дурдоналари – “Шоҳнома”, “Хамса”, “Мантиқ ат-тайр”, “Маснавийи маънавий”, “Қутадғу билиг” каби ушбу қисса ҳам маснавий (иккилик) шаклида таълиф этилган бўлиб, у қуйидаги сатрлар билан бошланади:

Кўрунг Қодир қудратин, кўрсун дебон санъатин,
Мустафони умматин, мундоғ шариф қилдиё.

Йўқ эрдук бор айлади, тан яратти, жон берди,
Қатра сувдан бизларни, мундоғ шариф қилдиё .

Кўзни берди кўргани, ақл берди билгани,
Ҳақ ёдини айғони, тилни яна бердиё. [17: 62].

Қиссанинг Истанбул нашри билан унинг ЎзР ФА ШИдаги қўлёзма нусхалари ўртасида муайян фарқлар мавжуд. Масалан, 1910 ашё рақамли қўлёзмада “Қодир” калимасидан кейин “Худони” деган сўз бор. 7154 ашё рақамли қўлёзмада эса “кўрсун” калимасининг ўрнига “билсун” деб ёзилган. Қиссадаги 2-байт (3-4-сатрлар) 7154 ашё рақамли қўлёзмада қуйидаги шаклда берилган:

Йўқдин бизни бор қилди, тан яратди, жон берди,
Қатра сувдин бизларни мундоғ шариф қилдиё [17: 62; 19: 102*б*].

Гоҳида нашрдаги икки байт қўлёзмада биргина байт орқали ифода этилган. Айрим ҳолларда нашрдаги байтлар орасига қўлёзма матнида қўшимча сатрлар қўшилган. Истанбул нашрида мавжуд бўлиб, қўлёзмада учрамайдиган байтлар ҳам топилади. Масалан:

Қўли йўқдур деганим, киши ҳақин олмайди,
Оёқ бирла ташқари ҳаргиз чиқмас дедиё [17: 65].

Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, қисса матнида учрайдиган бундай фарқларнинг барчаси “Қиссаи Имоми Аъзам”нинг учала қўлёзма нусхалари матни билан Истанбул нашрини ўзаро қиёслаган ҳолда нашрга тайёрланган кўринишида ўз ифодасини топган.

Қиссада баён этилишича, Нуъмон ибн Собитнинг отаси арикдаги сувда оқиб келаётган қизил олманинг ярмини, уни етиштирган эгасидан берухсат еб қўяди. Сўнг олманинг эгасини излаб топиб, бу гуноҳидан халос бўлиш учун нима қилмоғи лозимлигини сўрайди. Шунда деҳқон унга мажозий тавсифидан жисмонан нуқсонли кўринадиган *(“Кўзи ҳам йўқ, тили йўқ, оёқи ҳам қўли йўқ, мундоқ келур ҳоли йўқ”)* бир қизини никоҳлаб олишини таклиф этади. Йигит ноилож ўша қизга ўйланишга рози бўлади. Лекин никоҳ асносида қизнинг ойга ўхшаш юзи, кундек ёруғ, порлаб турган кўзи, тилида оят-ҳадислардан иборат сўзи бор ниҳоятда соҳибжамол эканлигини кўриб, қизнинг отасини “ёлғончи”ликда айбламоқчи бўлади. Шунда қизнинг отаси йигитга юзланиб шундай дейди:

Тили йўқдур деганим, ғийбат сўзин қилмайди,
Кўзи йўқдур деганим, номаҳрамни кўрмайди. [17: 65; 1: 104*а*].

Қўли йўқдур деганим, киши ҳақин олмайди,
Оёқ бирла ташқари ҳаргиз чиқмас дедиё [17: 65].

Шу тариқа қиссада ҳанафийлик мазҳабининг асосчиси Абу Ҳанифа – Нуъмон ибн Собитнинг таржимаи ҳоли, уни дунёга келтирган ота-онасининг поклик, ҳалоллик, ростгўйлик каби юксак инсоний фазилатлар соҳиби бўлганлиги, чақалоқнинг бу ёруғ дунёга келиши, ўсиб-улғайиб нашъу намо топиши, диний ва дунёвий илмларнинг сир-синоатларини пухта эгаллаши, пировард натижада, шу илм орқали юз бериши мумкин бўлган

ноҳақликларни бартараф этиб, жамиятни ҳалокатдан асраб қолиши ва одамларни изидан эргаштирадиган пешво бўлиб етишиши бадиий бўёқлар воситасида моҳирона ифода этилади.

Қиссанинг алоҳида эътиборга молик жиҳатларидан яна бири шундаки, унда ҳар қандай жамиятнинг равнақи илм-фаннинг савияси билан белгиланиши, жамиятдаги барча муаммолар илм орқали ечим топиши аниқ баён этилган. Бу Имом Бухорий асарларида учрайдиган “Дунёда ёлғиз илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмағай ҳам” деган ҳикматга ҳамоҳангдир.

Мазкур қиссадаги “Ўғлон олтига кирди, элтиб мактабга берди, Ҳар кун муллога бориб, ўқуб келур эрдиё” ёки “Ушбу ўғлон эр бўлур, эл ичинда шер бўлур, Олти яшар ўғлонни, Аъзам бўлсун дедиё” каби мисраларидан ўтмишда болаларнинг олти ёшдан мактабга боргани, унгача уйида таълим-тарбия олгани аён бўлади. “Ақл ёшда эмас, бошда” каби мақолга асос бўлган ушбу қиссанинг ҳозирги давр нуқтаи назаридан аҳамият касб этувчи хусусиятидан яна бири шуки, у илгари таълим-тарбия жараёнларининг биргаликда қўшиб олиб борилганидан далолат беради. Қиссанинг халқимиз маънавий камолотидаги аҳамияти ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин: ўтмишда халқимиз ана шундай ибратомуз асарлар таъсирида ўсиб-улғайиб, маънавий баркамол бўлиб етишган ва бировнинг мулкига асло кўз олайтирмаган. Бинобарин, Х асрда Тошкент ва Хоразмда шофиъийлик мазҳабига эътиқод қилган халқимизнинг, шубҳасиз, шу каби асарлар кейинчалик ҳанафийлик мазҳабига эътиқод қилиши ва ягона ҳанафийлик мазҳабига бирлашувига хизмат қилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Хожа Аҳмад Яссавийнинг ҳикматлари билан бир қаторда, ҳалоллик, поклик, адолат, ўсиб келаётган ёш авлодга ғамхўрлик, илм-фан асосларини пухта эгаллаш каби умуминсоний қадриятлар васф этилган “Қиссаи Имоми Аъзам” сингари улкан тарбиявий аҳамиятга молик асарлар мактаб дарсликларига ёки ўқув қўлланмаларига киритилса, кириб келиши мумкин бўлган ёт ғояларнинг олди олинган бўлар эди.

ЎзРФА Шарқшунослик институти хазинасидаги қўлёзмаларда шундай ибратли ҳикматлар борки, улар шу пайтгача амалга оширилган тадқиқот ва нашрларнинг биронтасида ҳам учрамайди. Бунга мисол тариқасида Хожа Аҳмад Яссавийнинг маърифат ҳақидаги қуйидаги ҳикматини келтирамиз:

Эй, маърифатнинг ориф камоли,
Орифлар эрур Раҳмон жамоли.
Ҳам маърифатинг турур сенингки,
Орифларнинг қарийб висоли.
Ул маърифатинг бирла маъруф,
Орифларнинг хуш вақт ҳоли.

Маъруфунг керак, бўлса эй ориф,
Мажҳулдин қил кўнглунгни холи.
Орифда агар маърифат бўлса,
Маъруф бирла бўлмас малоли [26: 130*б*].

Ўтмишда аждодларимиз ана шундай ҳикматлар замирида ўсиб-улғайиб, камол топганлар ва бундай сатрлар соҳиби Хожа Аҳмад Яссавийни “кони румуз ва машойихи мо тақаддам эрдилар... жаҳон онларнинг қутлуғ қадамлари бирла сокин ва мутаҳҳар эрди”, дея улуғлаганлар [26: 124б]. Бугунгача Хожа Аҳмад Яссавийнинг “Девони ҳикмат” асари бир неча бор нашр қилинди. Ҳикматларидан бадиий адабиётда ва саҳна асарларида кенг истифода этилмоқда. Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги амалий таклифларни ўқувчилар эътиборига ҳавола этишни мақсадга мувофиқ деб топдик:

– Хожа Аҳмад Яссавийнинг илмий-маънавий мероси узил-кесил ўрганилди деб бўлмайди. Дунёдаги қўлёзма фондларида, шу жумладан Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти манбалар хазинасида унинг номи билан қайд этилган асарлар ва ҳали илмий муомалага киритилмаган ҳикматлар мавжуд. Уларни бир жойга тўплаб, нашр этиш ва электрон базасини яратиш ҳамда бу борада хориждаги марказлар билан илмий ҳамкорликни йўлга қўйиш;

– муайян тарбиявий аҳамиятга молик бўлган “Қиссаи Имоми Аъзам” асарини мактабгача таълим муассасалари ўқув қўлланмалари ва мактаб дарсликларига киритиш;

– реставрация қилинаётган қўлёзмаларнинг асл ўрнидан кўчган саҳифаларини тартиб билан жойлаштиришда ўша қўлёзма варақларидаги пойгирларга алоҳида эътибор бериш, соҳа мутахассисларининг маслаҳатларини олиш, ҳеч бўлмаганда, ўша варақларни шу қўлёзмага елимлаб қўйиш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алишер Навоий. Насойим ал-муҳаббат. ЎзРФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 1828.

2. Алишер Навоий. Насойим ал-муҳаббат. ЎзРФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 857.

3. Абдурраҳмон Жомий. Нафаҳот ал-унс. ЎзРФА ШИ қўлёзмаси, инв. № № 2136.

4. Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат / Нашрга тайёрловчи Р. Абдушукуров. Тошкент, 1992.

5. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар / Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи И. Ҳаққулов. Тошкент, 1991.

6. “Девони ҳикмат”нинг йиғма-қиёсий матни / Нашрга тайёрловчи М. Эшмуҳамедова. Тошкент, 2008.

7. Жабборов Н.И. Значение “Поэмы о Нуъмане ибн Сабите” Ходжи Ахмеда Яссави. // “Межрелигиозный диалог и наследие Кожа Ахмета Ясави” / Материалы международной научной конференции, посвященной 550-летию Казахского ханства. Астана, 2015. Б.200–203.

8. Жабборов Н.И. Уммондан бир маржон // Имом ал-Бухорий сабоқлари. № 3, 2008. Б.184–187.

9. Жабборов Н.И. Яссавия тариқатига оид нодир манба // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. № 2/ 2015. Б.54–59.

10. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Тошкент, 1999.

11. Муҳаммад Тоҳир ибн Муҳаммад Таййиб Урганжий. “Тазкират ал-авлиё”. ЎзРФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 8791.

12. Нодирхон Ҳасан. Яссавийликка доир манбалар ва “Девони ҳикмат”. Тошкент, 2012.

13. Сулаймон Боқирғоний. Боқирғон китоби / Нашрга тайёрловчилар: Иброҳим Ҳаққул ва Сайфиддин Рафъиддин. Тошкент, 1991.

14. Хожа Аҳмад Яссавий. Девони Ҳикмат (Қиссаи Имоми Аъзам). ЎзРФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 1910/II, вв. 132а – 134б, 138а – 140б.

15. Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. Янги топилган намуналар / Нашрга тайёрловчи: Н. Ҳасан. Тошкент, 2004.

16. Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. ЎзР ФА ШИ босма китоби, инв. № 168.

17. Хожа Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат / Нашрга тайёрловчилар: И. Ҳаққул, Н. Ҳасан. Тошкент, 2006.

18.Хожа Аҳмад Яссавий. Қиссаи Имоми Аъзам. ЎзРФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 7154/X, вв. 102а – 105б.

19. Хожа Аҳмад Яссавий. Қиссаи ҳазрат Имоми Аъзам. ЎзРФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 2596/VII, вв. 138а – 140б, 153б – 156б.

20. Хожа Аҳмад Яссавий. Рисола дар одоби тариқат. ЎзРФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 3808, вв. 312б–316б.

21. Хожа Аҳмад Яссавий. Рисола дар одоби тариқат. ЎзРФА ШИ қўлёзмаси, инв. № № 6652, вв. 361б – 363б.

22. Хожа Аҳмад Яссавий. Рисола дар одоби тариқат. ЎзРФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 9175, вв. 69а –74а.

23. Хожа Аҳмад Яссавий. Рисолаи “Миришкорнома” http://cheloveknauka.com.

24. Хожа Аҳмад Яссавий. Рисолаи “Миришкорнома” http://www.dissercat.com/content/bibliografiya-zemledelcheskoi-kultury-tadzhikskogo-naroda#ixzz46T6VFu9v 21.11.2015.

25. Хожа Аҳмад Яссавий. Танзил ас-солиҳин ва кашфу ҳожот ал-муридин. ЎзРФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 10171/V, вв. 124б–156б.

26. Эркинов А.С. Текст мунаджата, приписываемого Ахмаду Йассави // Международный “круглый стол”. “Исламоведение в Казахстане: состояние, проблемы перспективы”. Астана, 2014. Б. 48–58.

27. Эшмуҳамедова М. Аҳмад Яссавий ҳикматлари киритилган қўлёзмалар каталоги. Тошкент, 2010.

28. Яссавий ким эди? Мақолалар ва “Ҳикматлар”дан парчалар / Тўплаб нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Бойбўта Дўстқораев. Тошкент, 1994.

29. Қожа Ахмет Иасауи хикметтерінін қолжазба каталогы. / Нашрга тайёрловчи: Ғ.Каримов, М.Ҳасаний, Н.Тошев, С.Есентемир, Ш.Зиёдов, Д.Расулов. Туркістан, 2006.

30. Ҳамидхон Исломий. Султон ул-орифин Хожа Аҳмад Яссавий. Тошкент, 2005.

31. Ҳикматлар куллиёти / Нашрга тайёрловчи Т.Қораев ва А.Бозоров. Тошкент, 2008.

32. http://www.islamisemya.com/aktualno/aktualno/novosti/11437-yunesko-2016-j-god-obyavlen-godom-khodzha-akhmeda-yasavi 22.12.2015. (25.01.2016).

Н. Жабборов

“Қиссаи Имоми Аъзам” қўлёзмалари таҳлили

Аксарият тадқиқот ва вэб-сайтларда Хожа Аҳмад Яссавийнинг фақат “Девони ҳикмат” асари зикр этилган, холос. Ушбу мақола унга нисбат бериладиган “Қиссаи Имоми Аъзам” асарини ўрганишга бағишланган.

Калит сўзлар: *Аҳмад Яссавий, Имоми Аъзам, қисса, ҳикмат, қўлёзма, асар, Истанбул нашри, тасаввуф.*

Н. Джаббаров

Анализ рукописей рассказа “Кисса-и Имам-и Аъзам”

Во многих исследованиях и веб-сайтах упоминается лишь “Диван-и Хикмат” (“Книга мудростей”) Ходжи Ахмеда Йассави. Данная статья посвящена изучению приписываемому ему произведения “Кисса-и Имам-и Аъзам” **(**“Рассказ об Имаме Аъзаме”).

Ключевые слова: *Ахмед Йассави, Имам-и Аъзам, рассказ, премудрость, рукопись, произведение, стамбульское издание, суфизм.*

N. Jabborov

Analysis of manuscripts of poem “Qissa-i Imam-i A`zam”

Only one work "Diwan-i Hikmat" (“The Book of Wisdoms") by Kwadja Ahmad Yassawi is mentioned in a number of studies and web sites. This article is devoted to study another, attributed to him, “Qissa-i Imam-i A`zam” ( “Story about Imam A`zam”).

Key words: *Ahmad Yassawi, Imam-i A`zam, story, wisdom, manuscript, work, Istanbul edition, sufism.*

О. Бўриев

Энг қадимги форсий қўлёзма

ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида 5202 рақамли қўлёзма мавжуд. Ҳажми 324 варақ. Қўлёзманинг ўлчами 21х17 см. Матн бошланишидан олдинги варағи (форзац)да китоб хожа Муҳаммад Порсонинг (1345–1419 йй.) Бухоро шаҳрининг Кўйи Деҳқон маҳалласидаги Дор ал-фуқаро китобхоналарига вақф қилган китоблари жумласидан эканлиги ёзилган. Демак, китоб хожа Муҳаммад Порсо яшаган даврда мавжуд бўлган. Муқовада кўрсатган 1190/1776–1777 йил санаси эса, муқованинг ўзигагина тегишли ва китоб XVIII асрда таъмирлангалигини билдиради.

Қўлёзманинг 1*а* варағида, асосий матн хатидан фарқ қилувчи хат билан ёзилган қисқа маълумотномада, ушбу қўлёзма яхлит асар сифатида олиб қаралган ва “Мажмуа” деб аталган.

“Мажмуа” нинг муаллифи Абу Муҳсин Марвазий дейилган ҳамда бу шахс Имоми Аъзам Абу Ҳанифа Куфийнинг издоши (*тилмиз*) деб эслатилган. Қисқача қўлёзмада жойлашган асарларнинг мазмуни ҳақида. Биз бевосита қўлёзма матни билан танишиб чиқдик. Ушбу “Мажмуа” таркиб жиҳатдан учта китобдан ташкил топган ва улар ҳажм жиҳатдан қуйидагича: биринчи китоб 125 варақ (1*б*– 125*б* варақлар); иккинчи китоб 82 варақ (127*а*–210*б* варақлар); учинчи китоб 113 варақ (211*а*–324*б* варақлар) дан иборат [2].